

193156315-СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ  
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

“17”.01.2022 йил

Чирчиқ ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги Ўринларда - Компания ) номидан 25.08.2021 йилдаги 27-01-14/3633 - сон ишончнома асосида фаолият юригувчи Компаниянинг "Тошкент" филиали директори Бакиров Шавкат Сайтмуротович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMLIGI MOLIYA BO'LIMI номидан Устав (Низом. рўйхатга олингандик түгрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMLIGI MOLIYA BO'LIMI (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргалиқда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича кўйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги Ўринларда Шартнома) туздидар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

### 2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови **100 ( бир юз ) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган холда) - **300000 (Уч юз минг)** сўмни ташкил этади.  
Ушбу сумма – **300000 (Уч юз минг)** сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )

микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошираслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1 -кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайли.

# Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: ND68145247

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилиади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширали.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик банлида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси соатбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

## 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

## 5. Низоларни хал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасила юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари битан боғлиқ равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартибига солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятни юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиг бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса. Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равища хабардор қилинади.

## 7. Якуний Қоидалар.

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланали. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласи.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасила имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қиласи. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентта татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қиласи.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда. Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага узгаришишлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган булиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### ОПЕРАТОР:

“Ўзбектелеком” АК  
“Ташкент” филиали

Манзил: Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур кучаси 84- ўй  
Банк мъалумотлари:  
х/р: 20210000401077153228  
СТИР: 203366731  
МФО: 00401 АТБ “Азомбанк”  
Тел: 1155  
E-mail: \_\_\_\_\_

Оператор номидаси:

  
/ИМЗА/



### АБОНЕНТ:

CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMLIGI MOLIYA BO'LIBI

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри,  
Амир Темур кўчаси, ўй: 2  
Банк мъалумотлари:  
х/р: 23402000300100001010 МФО 00014 МБ Тошкент ш БХКМ  
СТИР: 200945994 100022860274197011312092002 Чирчик ш.  
Газничиллик булинмаси СТИР 201122919  
E-mail: 123@mail.uz

Абонент номидаси:

м.ж.



**Кўрсатиладиган хизматлар**  
**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билин тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>						
<b>II. Хар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	707162675	ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови	6900.00	Прейскурант	1	6900.00
2.2	707163722	ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови	6900.00	Прейскурант	1	6900.00
2.3	707163722	ЭАТСда (белгиланган лимитидан ортикча фойдаланиш) факсдан фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови	950.00	Прейскурант	1	950.00
2.4	707163726	ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови	6900.00	Прейскурант	1	6900.00
2.5	707163726	ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови (овоzioni хабар колдирилиши учун)	3450.00	Прейскурант	1	3450.00
2.6	707165001	ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА шахсий абонент тўлови	6900.00	Прейскурант	1	6900.00
2.7	707165001	ДВО. ЭАТСда фойдаланиш учун асосий ТА ва АОН шахсий абонент тўлови	1820.00	Прейскурант	1	1820.00
<b>Жами (олдиндан тўлов)</b>						<b>33820.00</b>


Жами олдиндан тўлов микдори 33820.00 сўм, шу жумладан, ҚҚС15 % микдорида.

**Шартноманинг умумий микдори 300000.00 сумни ташкил этади. Ундан 101460.00 сум микдорида ойлик абонент тулови хамда 0.00 сум бир маротабалик уланиши учун руйхатга олиш тулови. Шартнома буйича толов суммасидан ошган холларла ортикча сарфланган (лимит) трафик учуй толовлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.**

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
“Тошкент” филиали

**АБОНЕНТ:**  
CHIRCHIQ SHAHAR MOLIYA BO'LIMI

Оператор номидан:

  
Имзо/  
M.Y.



Абонент номидан:

  
M.Y.